



## ШАХСНИНГ ШАЪНИ ВА ҚАДР-ҚИММАТИНИ, ЖУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР

**Ибодуллаев Азамат Улуғбек ўғли**

Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги Академияси  
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти йўналиши 3-босқич  
308-гуруҳ курсанти

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 25- Aprel 2023 yil

Ma'qullandi: 28-Aprel 2023 yil

Nashr qilindi: 05-May 2023 yil

### KEY WORDS

шахс шаъни, қадр-қиммат,  
жуқуқ, эркинлик, Ҳалқаро  
меҳнат ташкилоти, Жаҳон  
банки, мажбурий меҳнат,  
болалар меҳнати.

### ABSTRACT

*Республикамизда шахс дахлсизлигини ҳимоя қилишнинг конституциявий ҳуқуқий асослари яратилган бўлиб, инсоннинг энг муҳим шахсий ҳуқуқларидан бўлган руҳий ва жисмоний дахлсизлигига оид конституциявий нормалар ижросини таъминлаш, қийноққа солганлик учун жавобгарликни кучайтириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.*

“Суд ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш ва либераллаштириш, алоҳида жиноий қилмишларни декриминаллаштириш, жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тартибини инсонпарварлаштириш, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини ошириш» суд-ҳуқуқ соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналиши сифатида белгиланиб, сўнгги йилларда юртимизда бу соҳада сезиларли ўзгаришлар ҳамда кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, "Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги ПФ 5268-сонли Президент Фармони эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев Конституциямиз қабул қилинганлигининг 25 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган тантанали маросимдаги нутқида:

Ушбу Фармонга биноан бундан буён Ўзбекистонда қийноққа солиш, руҳий, жисмоний босим ўтказиш ва бошқа шафқатсиз зўравонлик ҳолатларига мутлақо йўл қўйилмайди;

Бундай жиноий қилмишларни содир этган ҳар қандай шахс, у ким бўлишидан қатъи назар, муқаррар равишда жавобгарликка тортилади;

Энг муҳими, ноқонуний усуллар қўллаш тўғрисидаги биронта ҳам хабар эътиборсиз қолмаслиги шарт. Прокуратура органлари ҳар бир ҳолат бўйича чуқур текширув ўтказиб, айбдор шахсларнинг муқаррар жавобгарлигини таъминлайди" - деб қатъий таъкидлаб ўтдилар.

Ушбу фармон ижросини таъминлаш мақсадида Олий Мажлис юқори палатаси Сенат томонидан шахсни шаъни ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш билан боғлиқ жиноятлар содир этилиши ҳолати юзасидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда Бош прокуратурасига парламент сўровини юбориш тўғрисида қарор қабул қилинди. Президент фармони ҳамда парламент сўрови ижросини амалга ошириш бўйича ижрога қаратилган алоҳида чора-тадбирлар тасдиқланиб амалга оширилди.

2021 йил 22 февраль куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев БМТ нинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46 сессиясида нутқ сўзлади. Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш аъзоси сифатидаги дастлабки иштироки ҳамда илк нутқларида инсон ҳуқуқлари йўлида амалга оширилган ишлар ҳақида гапириб, Ҳалқаро меҳнат ташкилоти ва Жаҳон банки билан ҳамкорликда мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига барҳам бериш бўйича катта ишларни амалга оширилганлиги ва бу ислохотларимиздаги энг асосий ютуқларимиздан бири бўлганлиги ҳамда шахснинг шаъни ва қадр-қимматини бузулишини олдини олиш бўйича миллий превентив механизмни жорий этиш доирасида одамнинг қадр-қимматини ерга урадиган, инсонийликка зид бўлган **қийноқларнинг ҳар қандай кўринишига бундан буён ҳам мутлақо йўл қўймаслигимизни алоҳида таъкидлаб ўтдилар.**

Президентимиз раҳнамолигида ушбу соҳада ҳуқуқни муҳофаза қиливчи органлар томонидан амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар натижасида Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил - Омбудсманга қийноққа солиш, шафқатсиз ва ғайриинсоний муомалада бўлиш ҳолатлари бўйича мурожаатлар сўнгги 4 йилда 7 баробарга ошган. Ушбу амалга оширилаётган ишларнинг самараси ўлароқ юртимизда инсон, унинг эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари янги босқичга кўтирилиб, долзарб аҳамият касб этиб келмоқда. Энг қувонарлиси Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари йўналишида олиб бораётган ушбу сиёсати ҳамда юртимизда амалга ошаётган ўзгаришлар хорижий давлатлар ҳамда бутун дунё жамоатчилиги томонидан ижобий баҳоланиб, чет эл давлатларининг Ўзбекистонга бўлган ишончини янада ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Бу ишонч ўз навбатида чет эл инвестициялари, тадбиркорлик, мамлакат иқтисодиётининг ўсиши, унинг ривожланиши учун муҳим омил ҳисобланади ҳамда тез суратлар билан ривожланиб бораётган давлатимизнинг юксак тараққиёти гаровидир.

#### **Адабиётлар:**

1. Saidkulov N. Huquqiy madaniyat va huquqiy tarbiya asoslari. –Guliston, Universitet. 2020.
2. Topildiyev V.R. Ta'lim – tarbiya jarayonlarini tashkil etishning qonunchilik normalari–Т., 2016. -144 bet.
3. Oliy ta'lim. Me'yoriy - huquqiy va uslubiy xujjatlar to'plami. "Istiqlol" -Т.: 2013.
4. Аксенов Д.А. Образовательное право Учебное пособие М. Книгодел 2016
5. Mirziyoyev SH.M. Demokratik islohotlarni izchil davom ettirish xalqimiz uchun tinch va osoyishta, munosib hayot darajasini yaratish – barqaror taraqqiyot kafolatidir // Xalq so'zi. 2016 yil 2 noyabr.